

ПАЙШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОЛАЛАР ЖАМГАРМАСИ ҲАФТАЛИГИ

БАҲОСИ ЭРКИН НАРХДА

УШБУ СОНДА:

КЕЛАЖАК САРИ ЮЗЛАНИБ

3-БЕТ

ОДАМ АЛАЙҲИССАЛОМ ҚИССАСИ

4-БЕТ

ОЛТИНСОЙЛИК АЛПОМИШ

6-БЕТ

Кейинги сонларда

СОДИҚ АЛИМОВ:

ҲАМИЯТЛИ ЭЛНИНГ ЖАМИЯТИ БУЮК

ЗОКИРЖОН ШАРИФ:

«СЕНИ ЭСЛАБ ЙИҒЛАЙМАН...»



ИККИГА КИРАЁТГАН БОЛАКАЙ

Дунёнинг — чархи фалакнинг бир маром айланаётган турфа иқлим хилқат эканлигини аксиома дейишимиз мумкин. Яъни, бу ҳеч қандай исботу мисол талаб қилмайдиган назариядир. Бошқача бўлиши мумкинмас. Қолаверса, ҳар тонг қуёш чиқиши ва ботиши одатдаги ҳол бўлгани учун бу ҳақда кўпам бош қотиравермаймиз. Аслида эса... Бироқ барибир «ойнинг ўн беши ёруғ» эканлиги рост.

Ҳадемай Ватанимиз мустақиллигининг иккинчи йилини байрам қиламиз. Уша кун тарихнинг сарғайган саҳифаларидаги сарғаймас сабоқларни хотирлаймиз.

Иоганнес Бехер «Сизнинг беғам яшашингизга халал бермайдими, Хотирот?» дебон савол берганди, инсониятга. Биз ҳам бу сўроққа жавобан ўзимизча деймиз: «Токи хотиротимиз, онгимиз уйғоқ экан беғам яшай олмаймиз».

Ушбу саҳифада бераётганимиз — нурафшон ёғдуга чулганган қувонч сўратига боқиб шул муборак кунлар арафасида юқоридагилар кўнглимиздан ўтди.

Эҳтимол, ҳақиқатан, онасининг қучоғида улғаяётган шу маъсум болакай ҳам икки ёшга пешвоз қадам қўяётган бўлса, не ажаб.



Содик МАҲКАМОВ сурати

ШУ МАҲАЛЛАГА ҚИЗ БЕРГАНМИЗ

Мулла Тўйчи ҳамиша гавдасини ғоз тутиб, гердайиб юрар экан. Ҳар қандай одам билан сўрашаётганида ҳам шу ҳолатини йўқотмас, шунинг учун бўлса керак, унинг ўзига яраша салобати, сири бўлган. Анча-мунча одам ёнида бемалол гапира олмас экан. Кунларнинг бирида Тўйчи ҳофизнинг ўғли Абулқосим ака қўшни маҳалладаги тўйга борса, тўйхона дарвозасининг ёнида отаси бўйини қисиб ғарибона ўтирган эмиш. Отасини бу ҳолатда ҳеч қачон кўрмаган Абулқосим акани кўнглига хавотир тушиб секин ёнига борибдида:

— Ота, нимага бўйингини қисиб ўтирибсиз, тинчликми? — деса.

— Сен ҳам бўйингини эгиброк тур шу маҳаллага киз берганмиз, дермиш.

ТЎРТИНЧИ ХОТИН ТАЪСИРИ

Қайсидир томошада Сойиб Хўжаев Амир Олимхоннинг вазирларидан бирини уйнаган. Бир кўринишдан Амир ўз аёнлари билан маслаҳатлашиб турганда, сарой оғаси кириб:

— Қўшни мамлакатдан элчи келиб киришга рухсат сўраяпти, — деса Амир беҳитиёр:

— Пожалуйста, кирсин, — деворади. Бошқа сўз аралашиб кетганидан «Сарой оға» ўзини йўқотиб нима қилишини билмай тўхтаб қолади. Шунда Сойиб ака бир қадам олдинга чиқиб, олдин Амирга таъзим қилиб кейин оғага қараб:

— Нега анграясан, ахир

Амиримизнинг тўртинчи хотинлари ўрис хоним-ку, хаёллари ўша кишимга кетиб, ўрисча гапирвордилар, деб қийин ҳолатни юмшатибди.

МЎЙЛАБ

Еш томошабинлар театрининг «Пўлат қандай тобланади» спектаклида Саттор Улжабоев Фёдор Жухрай ролини уйнаган. Комсомол ёшлар билан суҳбат қиладиган сахна кўринишида «Жухрай»нинг мўйлаби елимидан бўшаб, бир томони паства осилиб қолибди. Ҳеч кимга сездирмасдан ўрнига ёпиштириб қўйи деса, бўлмабди.

Шунда шартта мўйлабини қолган қисмини ҳам елимдан чиқариб олиб столга «пақ» этказиб бир урибди-да:

— Лазнати оқ гвардиячилар буржуяларни орасида атайин мўйлаб ёпиштириб юрардим, сизлар ўзимизни кисизлар, олиб қўйсам ҳам бўлверади, — деб қийин аҳволдан чиқиб кетган экан.

Турсун Али МУҲАММАД

ЕТТИ КУН

КУЗ ҲАМ УТАДИ, ҚИШ-ЧИ!..

«Термиз — Саросиё» йўналишидаги поездга ишингиз тушиб қолгудек бўлса, иссиқ лоҳас қилиб ташламасмикин!» деган хавотирга бориб ўтирманг. Чунки тепловоз вагонларининг деярли барча купеларидаги ойналар синган. Бекатда кутаётган иш зарур йўловчилар эшик бир томонда қолиб, деразалар оша ул овга чиқишади. Манзилга бориб етгач эса, шоша-пиша ойналардан тушиб кетишади. Уриндиқларда ястаниб кетаркансиз, елпиниб ўтиришингизга ҳожат йўқ. Чунки Сурхоннинг дашту қирларида эсаётган шабада поезд купеларига ҳам чор-атрофдан келиб урилади. Кета-кетгунча салқинлаб борасиз.

Яхши-да, шундай эмасми! Лекин айримлар «ёзда-ку ойналарнинг йўқлиги яхши экан, бироқ қишда қандай бўларкин!» деган хаёлга боришмоқда, холос.

АФСОНА ТАГИДА — ҲАҚИҚАТ

6 август куни Жарқўрғон тумани марказига пишқириб кибриб келган юк поездининг 73151086-рақамли суюқлик ташувчи вагони тагидан ҳосил бўлган учта тешикдан тинимсиз оқ ёғ оқарди. Пахта ёғи граммлаб сотилаётган ҳозирги пайтда бундай ҳодисанинг кўз ўнгингизда бўлиб туриши бир қарашда афсонага ҳам ўхшайди. Одамлар ҳам аноий эмас: тешикларга дарҳол челақ, канистрларни қўйишди. Идишлар бирин-кетин пахта ёғига тўлаверди. Уйи узоқ, идиши йўқ одамлар анча афсусланмишди, дея хабар беради «Сурхон донги» газети.

РЎМОЛНИ ШАМОЛ УЧИРДИМИ!

Богдодлик «шилар»нинг «ишқи» аёллар рўмолига тушди. Қаҳрамон [исми шундайми!] беш марта «шайтон аравада» жуволарнинг рўмолини жувономарг этиб, «маҳаллада дув-дув гап» қилди. Ва падари бузрукворининг киссасидан рўмол эгалари ҳаққини ундириб берди. Узи эса беш йил ўғирлик қилмайдиган бўлди.

БИР ЁҒИ БИТДИ, БИР ЁҒИ ЧЎҚДИ

Чироқчи туманининг Оқчо ва ширкат ҳўжалигида қурилаётган уч қаватли «янги — замонавий» мактабнинг девори битиб қолганда, бир тарафга секин «қийшайиб-иб» чўқди. Хайриятки, ғишларни жойида, кўчган-қочгани йўқ. Энди нима бўлади! Номаълум. Ҳар қалай яхши ният билан қурилаётган бино битгунча, қолган қисми «йўқолиб» қолмасинда, ишқилиб.

ЗАМБУРУҒЛАР ҚАЙДА УСАДИ!


Ҳар нечук машинада десам ишонмайсиз. Педалида десак-чи! Шубҳасиз, бунисига ҳам елка қисасиз. Лекин олтириқлик жанобнинг «06»сининг тўхатиш турмасининг тагидан тўрт донна қўзиқорин ўсиб чиқди. Буни ҳар ким ҳар хил шарҳламоқда. Машина ичида момақалдироқ бўлган-бўлмагани ҳам бизга қоронғу. «Томорқа» соҳиб замбуруғларни то чет элдан олимлар келиб текширмагунча парвариш қилиб туришини айтди.

ҚЎЛ ИШДА, КАЛЛА ЎҚИШДА

Қамашининг Чим қишлоқ шўросига қарашли Норбўта Шаропов номли мактабда миллий анъаналарни тиклаш мақсадида гилам тўқув сеҳи очилди. Ҳозиргача учта хонада [синфхонада эмас] 30 дан ошиқ ўқитувчилар ва хизматчилар зўр бериб тўқишмоқда.

Янги ўқув йилидан эса бу ишга ўқувчилар ҳам жалб қилинади. Директор Рўзимурод аканинг айтишича, йил охиригача 20дан ошиқ гилам тўқиб тайёрланади ва тушган маблағ аълочи ўқувчиларга бериб борилади.

МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ



А. ВАНШТЕЙН сурати

ЭНГ КЕРАКЛИ МАШҒУЛОТ

Газетимиз қошида иш олиб бораётган компютер маркази ҳар куни болалар билан гавжум.

Машғулотлар бу ерда душанбадан шанбагача олиб борилади.

Компютер марказимизда рус ва ўзбек гуруҳи болалари соат 9 дан 16³⁰ гача шуғулланишади, — дейди компютер марказининг бошлиғи Олмос Қиличев.

Компютер марказининг асосий иш фаолияти — бу ерга келувчиларга компютер тўғрисида тўлиқ билим бериш, программа алмаштириш, саволларга жавоб бериш ва конкурслар ўтказишдан иборат. Бу ерда болаларга янада қизиқарли бўлиши учун янги-янги тадбирлар устида иш олиб боришмоқда. Фақат компютер марказининг ўз ишончли ҳомийси бўлса бас.

— Нарх-навоининг кундан-кунга ошиб бораётганлиги бизнинг ишимизга ҳам таъсир қилмасдан қолмади, —

давом этади Олмос ака, — лекин барибир бизда болаларнинг компютер ҳақида билим олишлари, тақриба алмашишлари учун катта қўлайликлар сақланган. Ҳозир бошқа компютер марказларида 1 ойлик ўқиш нархи 12-20 мингга кўтарилган бир даврда бизда ойига 400, имтиёзли болаларга 300 сўмни ташкил қилмоқда. Сентябр ойдан бошлаб ойига 600 сўм қилмоқчимиз. Ҳозирги шароитда бу нарх ҳам болаларга унча қимматлик қилмас керак деб ўйлайман.

— Компютер марказида ҳозир қанча бола қатнашмоқда!

— Шу кунда 100 дан ошиқ болалар келиб туришибди.

Кўпчилик болалар ёғи дам олишда. Уқув йили бошлангач, уларнинг сони 200-

300 тага етиб қолади. Шу билан бирга катта ёшдагилар ҳам келиб ўрганишмоқда.

Ҳатто мактаблардаги компютер ўқитувчилари ўз ўқувчиларидаги ўзгаришлардан хабар топиб бизга тез-тез мурожаат қилишмоқда. Бу бизни жуда қувонтиради.

— Кўпгина мактабларда компютер дарсларига болаларни мажбурлаб киритишади.

Бу ерда эса, аксинча, иш бошланмасдан олдин уларни учратиш мумкин. Бунинг сабаби ниқмада! — сўрадим Олмос акадан.

— Тўғри. Бизда дарслар мактабдагидан қизиқарлироқ ва тушунарли ўтилади. Сабаби, ўқитувчиларимизнинг

ҳаммаси 5 киши ўз касбининг мутахассиси. Ҳар бир ўқитувчида фани (физика, ма-

тематика, ўзбек ва рус тили, инглиз тили дарслари) алоҳи-

да фан мутахассиси олиб боради. Орамизда фан номзоди ва доктори бор. Бу ал-

батта ишимизнинг муваффақиятини белгилайди. Иккинчидан, компютерларимиз

кўп ва сифатли. Ҳозир компютерда расм чизилми.

Яқинда бўлиб ўтган расм чизиш мусобақаси ҳам жум-

ҳуриятимизда биринчи марта бўлиб ўтди. Агар бизнинг

ҳомийларимиз кўпайса, бундай қизиқарли мусобақалар

тез-тез ўтказилар, болаларнинг фикрлаш қобилиятларини ўстиришда катта ёрдам бўларди, деб ўйлайман.

— Компютер бундан кейинги ҳар бир кунимизда ке-

рак, — суҳбатимизга қўшилади программалаштирувчи ўқитувчи Насиба Исроило-

ва, — шунинг учун бир қанча болалар боғчаларини (426, 291 ва бошқалар) ота-

лиққа олиб ишлаяпмиз, у ерга бориб дарс бераймиз.

Мақсадимиз, болаларни боғча ёшидан компютернинг му-

раккаб сирларини ечишга ўргатиб бориш.

Суҳбатимизни шу ерда тугатдик. Чунки эшик очилиб навбатдаги гуруҳ болалари кириб келишди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, республикамиздаги фақат шу компютер марказини бити-

рувчи ёшларга гувоҳнома берилади. Ушбу компютер

марказининг биринчи бити-

рувчилари ўтган йилдан бош-

лаб жумҳуриятимизнинг компютер марказларида, ил-

мий текшириш институтла-

рида ўқитувчи бўлиб иш фа-

олиятларини бошлашди.

Марҳабо АҲМЕДОВА

КЕЛАЖАК САРИ ЮЗЛАНИБ

К. Маркс томонидан «инсоният учун умумий қондалар» кашф қилиниб, унинг тараққиёт йўли ҳам умумийлаштирилганида, унга қарши чиқувчилардан бири Лев Толстой бўлган. У 1862 йилда «Тараққиёт ва маърифат тўғрисида» мақолисида «Инсониятнинг олға қараб ҳаракат қилишнинг умумий қонуни йўқ... Ҳаракатсиз бўлган шарқ халқлари бунингга исбот этиб туриптилар», деган эди. У қисман ҳақ эди. А. Вамбери: «...агар Россия бу ерга (Туркистон кўзда тутилмоқда — Ж. Б.) сивилизатсия ёйиш каби оғир заҳматни ўз зиммасига олса, хурсанд бўларди...» деб айтганида ҳам қисман ҳақиқат бор эди.

Лев Толстой ва А. Вамбери гапларида узвий боғлиқ борлигини пайқабган бўлсангиз керак. Лев Толстой айтганидек, биз ҳақиқатан ҳам ҳаракатсиз эдикми? Йўқ, ҳаракатда эдик! Маънавият, ҳаққоният, инсоф, иймон ва эътиқод жиҳатларидан бой меросга эга бўлган халқни ҳаракатсиз деб аташ ҳақиқатни инкор қилишнинг айнан ўзи. Гёте, Фейербах фалсафасига асос бўлган тасаввуф тариқатлари, Олий ҳақиқатни англаш илмларидан бохабар ҳаракатдаги, ривожлангандаги халқ эдик. Пушкин, Есенинларга илҳом берган сатрларни болта, теша, ўроқ, кетмон дасталаридан қўллар қадок меҳнаткан инсонларнинг кўпчилиги ёддан билган маънавиятли халқ эдик.

Бироқ бизнинг асосий камчилигимиз эҳтиёткорликни, сиёсий хушёрликни унутганимиз, Мухаммад алайҳиссалом пайгамбаримизнинг «Бешикдан то қабргача илм изла» деган ўғилларининг фақат маънавий жиҳатига эътибор берганимиз. Натижада сиёсий анқовлик билан, бу дунёда бизга тажовуз қилувчилар бўлиши мумкин эмас, деган хотиржамлик кайфиятларига берилганимиз бўлди. Агар шундай бўлмаганида эди, «...ҳаракатсиз, ...сивилизатсиядан орқада қолган» деган ном олмаган бўларди. Ахир фақат Бухоро амирлиги хазинаси қанчадан-қанча техникавий асбоб-ускуналарни сотиб олишга, минглаб Ватан фарзандларини хорижга ўрганиш учун ўқитишга юборишга етарли (ҳатто ортиқча!) эдик! Оқибатда маънавиятдан Оврүпо алломасига дарс берувчи халқ техникавий фанлар билан ақлини чархламади.

Бу буюк соддалик эди! А. Вамбери жаноблари чопон кийиб, салла ўрашни сивилизатсиядан орқада қолиш деб ўйлаган бўлсалар керак, аммо инсон гўзаллиги кийимга эмас, балки қалбнинг сифат хусусиятларига бориб тақалишини унутгани рост. Лекин бирлашмоқ, ҳеч қачон эҳтиёткорликни унутмаслик, сиёсий хушёр бўлиш, техникавий асбоб-ускуналар ва қурол-аслаҳалар яратиш ривожланган сивилизатсиянинг бир кўриниши деб қабул қилаёқ, ҳа, ҳақиқатан ҳам биз қолаёқ эдик. Бироқ А. Вамбери кутганидек, қурол кучи билан юртимизга сивилизатсия эмас, балки қиргин, маънавий заҳарланиш, ялли ёлгончилик, дунё ривожидан беҳабар қилишдек мафкурага ўралган сиёсий қафас олиб келинди. Мана шу жиҳатлардан ҳам истиқлол келажагини ўйлаганимизда тарих сабоқларини унутмаслигимиз керак. Улуғ бобомиз Амир Темур тузган марказлашган давлатнинг парчаланиб кетганиги, кейинчалик икки дарё оралиғидаги давлатнинг ҳам учга бўлиниш сабаблари ва юртимиз империянинг даҳшатли чанғалига икки бор тушиб қолганини бир дам бўлсада ёддан чиқармаслигимиз зарур.

Уктабир тўнтаришидан кейин халқимиз орасидан етишиб чиққан мутафаккирларимиз бир неча ўн йиллар давомида режали равишда қиргин-барот қилинишининг негизидан

«Истиқлол!» сўзини умуман ва бутунлай халқ тушунчасидан чиқариб ташлаш ётарди. Биз буларнинг барчасини ҳақиқат бўлоғи кўз очганидан кейин билиб турибмиз. Бунинг аввалроқ тушунганлар эса ҳар доим тазийқ остида бўлди, рост сўзларни айтишдан қўрқув балосига дучор қилинди.

Мана шу сабоқларни доимо ёдда тутишимиз, истиқлолнинг илк пойдевор тошлари қўйилаётган пайтда айниқса муҳим. Чунки бу бизни бирдамликка, арзимас нарсалардан иҳтилофлар ахтармасликка, Ватан равақини учун ҳаракат қилишга ундайди.

Ушбу вазиятда Ватанимиз Истиқлоли ва Истиқболнинг келгуси ҳақида фикр юритмоқ айни муддао. Ўзбекистонимизнинг буюк давлат бўлиши ва энг ривожланган мамлакатлар қаторидан ўрин олиши учун тамал тошини чиндан ҳам бугундан қўйишимиз даркор. Бунинг учун энг аввало илмий имкониятлар доирасини, кенгайтиришимиз жуда ҳам зарур.

Адабиёт ва санъат, жамият қонуноқонадларини ўрганиш маънавий жиҳатдан енгилмас даражада кучли бўлишимизни таъминласа, амалий, табиий фанлар чўққиларини эгаллаш ва уни Олий амалиётга жорий қилиш Ватанимизнинг қудратини оширишига шак-шубҳа йўқ. Бунинг учун ҳозирдан бошлаб ёш авлодни мана шу руҳда тарбиялашни кучайтириш ва бунга барчамиз киришмоғимиз даркор.

Буюк боболаримиз қони томирида кўпириши, муштарак орзу-умидларимизга эришмоғимиз лозим. Болаларимиз, невараларимиз қалбига илмга чанқоқлик, юксак иштиёқ, илм эгаси бўлганликдан юксак ифтихор ва ғурур хусусиятларини чуқур ўрнатмоғимиз керак.

Ушбу ҳолда насл қонуниятларини эсга олаёқ лозим. Келинг, таниш манзарага назар солайлик. Машҳур олим, шоир ва ёзувчилар ҳаёт йўлига эътибор берсангиз, уларнинг шундай ажойиб инсонлар бўлиб етишувчи сирли оила муҳити, ота-она ёки энг ақил қариндошларининг қимлигига бориб тақалишини илғайсиз. Демак, бу хусусиятлар шу инсонларга наслдан ўтган, яъни мия ҳужайраларида бу сифатлар улар туғилганида бор бўлган, фақат мана шу хусусиятларни уйғотиш ва рағбатлантириш қолган, холос.

Еш ота-оналар фарзандлари келажақда ким бўлишлари тўғрисида улар туғилмасдан қайғуришлари, ўз юртининг илмий заҳирасига катта ҳисса қўшувчи инсонлар бўлиб етишмоқларини кўзламоқлари керак. Чунки ота-оналар туйғулари генетик код-насл калитлари ёрдамида фарзандга берилиб, унинг ақлий даражасининг қандай бўлишига кучли туртки берувчи омил ҳисобланади.

Шунинг учун Олий ҳиссиёт даврида ҳар кунги ташвишларни эмас, Олий тафаккур, маънавий бойлик, ёрқин келажақ тўғрисида фикр-ўйларга берилмоқлик зарур. Ҳомила ривожланаётганида бўлажақ она доимо яхши кайфиятда, оилавий муҳит эса кўтаринки руҳда бўлиши, она шеър мутолаа қилиши, ашулалар айтиши, яхши куйлар тинглаши, ажойиб нарсалар тўғрисида ўйлаб, орзуларга берилиши зарур. Шунда туғилажақ фарзанднинг ақли, зеҳни юксак бўлишига замин яратади.

Айтилик, сиз 100 гача арифметик кўпайтиришни ёдлагансиз. Ҳатто маст уйқудан уйғониб, тўсатдан 7 қарра 9 неча бўлади, десалар, бир пасда, ўйлаб ҳам кўрмасдан жавоб берасиз. Ушбу жараёни диққат билан ҳаёлигимизда қайтаринг: 7 қарра 9 неча бўлиши кўзингизнинг олдида гавдаланади, сиз эса уни ўқиб берасиз, холос. Бошқача айтганда мянғиз қатидан шу сон ўзи қўшилиб келади. Сиз тилинғиз билан ифодаляйсиз, холос. Демак, мана шу қаррани ёд олганинғиз мия

пўстлоқларидан ўтиб, мия пўстлоқости марказларида (онгости) муҳрланиб қолади. Ана шу муҳрланган нарсани энди ҳеч нарса билан ўчириб бўлмайди. Худди мана шу онгостида муҳрланган сифатлар насл калити орқали кейинги фарзандга ёки неварога берилади ва мана шу хусусиятни уйғотиш учун фақат туртки керак, қолади. Агар туртки бўлмаса, бу сифат умр бўйи уйғонмасдан қолаверади.

Мабодо Сиз биронта шеър ёки қондани ёки мослама схемасини ёд олгансиз, лекин уни такрорламай қўйгансиз ёки иш жараёнида ундан фойдаланмагансиз. Энди ёд олинган нарсасдан чиқади ёки 5-10 йил ўтгандан кейин шу шеър ёки қонун мазмуни, схемадан умумий тасаввур қолади. Бунга сабаб ёдлашдаги сифат онгостига ўтиб, муҳрланмаган бўлади. Бу эса насл калити орқали фарзандга берилмайди.

Бундан келиб чиқадики, ота-онанин дунёни тушуниш даражаси, маънавий бойлик, табиий фанларни билиш доираси қанчалик кўпроқ онгостига ўтган бўлса, туғилган фарзанднинг ҳам илмий имкониятлари шунчалик юқори бўлади. Энди уни уйғотиш керак.

Бола туғилганидан кейинги тарбиянинг аҳамияти эса жуда ҳам бекиёс. Неча ойлик бўлишидан қатъий назар бола билан тез-тез мулоқотда бўлиш, 3-4 ёшга тўлгунча фарзанднинг нимага ва қайси соҳага қобилиятли эканлигини билиш жуда муҳим. Ўз фарзандининг келажаги ёрқин бўлишини истовчилар ва шунинг хоҳловчилар худди шундай қиладилар. Ривожланган мамлакатларда бунинг учун махсус синаш ва аниқлаш мезонлари бор. Улар фарзандлари мактабга бормасданок бу қобилиятни аниқлайдилар ва шу йўналишда унинг етук бўлишини таъминлашга ҳаракат қиладилар. Бизда ҳам мана шу қабилдаги муқобил мезонлар ишлаб чиқилмоғи ва ҳаётга тезроқ татбиқ этилмоғи керак.

Бола эс-ҳушини тағиб, бирон нарсани

га ақли етадиган бўлганидан кейин уни илмга ҳар томонлама рағбатлантириш, ҳеч камситмаслик, кўнглини чўқтирмаслик зарур. Келинг, ушбу вазиятда икки тарбия усулини бир-бирига таққослайлик:

Ўз фарзандининг нимага, қайси соҳага қизиқиши, қобилиятини билган ота-она фарзандларини ҳар кунги рағбатлантирадилар: «Қизим (ўғлим), сени жуда қобилиятли, ҳар нарсасга ақлинг етадиган боласан. Айниқса, сен математикадан зўрсан. Агар бу фан билан астойдил шугуллансанг, келажақда буюк олим бўласан, Сендаги бу ақлий қобилият жуда ноёб! Мана шу сўзлар фарзанд кўлоғига ҳар кунги ўз вақтида, мароми билан айтилаверганидан кейин, у ўзининг ҳақиқатан ҳам шундай қобилият эгаси эканлигига ишонади ва шу йўлда ҳаракат қила бошлайди.

Агар ҳар кунги унга: «Сен ландовурсан, лапашанган, сендан ҳеч бало чиқмайди» деб айтилаверса, бундай тарбия болада ўз кучига ишонмаслик, бўшанглик, йиғлоқчилик, ҳадикшираш, ландовурлик, ўз мустақил фикрига эга бўлмаслик хусусиятлари шаклланади. «Шу тўртта қўйни эплаб боқ олмайсанку, гўр бўларминдинг, тоғанга ўхшаган латта чайнар бўласанда...» дейилган ҳақоратлар такрорланаверса, ғурури топталган боладан саркарда чиқиши амри маҳол.

Тўғри руҳда тарбияланиб, илму фаннинг мураккаб чигалликларидан чиқиш йўлини топган олим ўз фарзандларини ҳам мана шу йўналишда тарбиялаб вояга етказса, ана энди ундаги яхши имконий сифатлар фарзандларига ҳам берилади. Демак, бу олимнинг фарзандлари иқтидор, тафаккур жиҳатидан отасига, онасига қараганда юқорироқ имкониятга, мавқега эга бўлади.

Худди шундай бўлган тақдирдагина муайян жамиятда олға силжиш бўлади ва бу тазорқ амалга ошади, саноат ҳам, деҳқончилик ҳам, адабиёт ва санъат ҳам юқори даражада ривожланган бўлади.

Бу ерда гап алоҳида олинган инсон ёки инсонлар ғуруҳи ҳақида эмас, балки ялли мамлакат миқёсида бораётганини тушунишимиз керак ва бундан миллат тарбиясига киришмоғимиз зарур. Ана шунда пойдевори мустаҳкам, абдийга яралган буюк давлат қурамай.

Жуманазар БЕКНАЗАР



Носириддин Рабғузийнинг асрлар давомида тилдан тилга, қўлдан қўлга ўтиб келаётган «Қиссаси Рабғузий» асари пайғамбарлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.

Ушбу нодир асарни шоир Носир МУҲАММАД эски туркий тилдан соддалаштириб, нашрга тайёрлабди. Китоб «Минҳож» нашриётида чоп этилиш арафасида.

Худойи таоло Одамни яратмоққа аҳд қилганида дастлаб ҳазрат Жаброилга хитоб келди:

— Бориб ер юзидан бир ҳовуч тупроқ келтиргил. Ҳазрат Жаброил тупроқ олмақчи эдилар, ер раҳм-шафқат тилаб, оху нола чека бошлади. Жаброил алайҳиссаломнинг кўнгиллари юмшаб, тупроқ олмай қайтдилар. Шундан кейин ҳазрат Мекоийл алайҳиссалом борадиган бўлдилар. Ер яна оҳ чекиб, шафқат тилади:

эди. Қаёққа назар солсалар, фаришталар бу нурга завқ-шавқ билан тикилиб, махлиё бўлиб қолардилар.

Ҳазрат Ҳақ субҳона ва таоло фармон қилди:

— Эй, фаришталар, Одамни кўтариб, осмонларни, жаннатни кўрсатинг сўнгра Арши Аъзамда тахт билан қўйинг.

Сўнгра фаришталарга: «Одамга сажда қилинглари», деган фармон бўлди. Шу заҳоти сажда қилдилар. Аммо Азозил сажда қилмади.

ОДАМ АЛАЙҲИССАЛОМ ҚИССАСИ

— Агар мендан кўза қилиб, ичига сув солсалар яхши. Аммо шароб ва чоғир¹ суви билан ҳаром қилсалар, унда не илож топаман!

Ҳазрат Мекоийл алайҳиссалом ҳам тупроқ олмадилар. Бунинг сабабини сўраганда, шундай дедилар:

— Эй, Парвардигор, мени бир заиф бечора қошига юборибсиз. Ундан бирор нарса олишга уялдим.

Аллоҳ таоло учинчи марта Ҳазрат Исрофилни юборди. У ҳам куруқ қўл билан қайтди. Ниҳоят Ҳазрат Азроилга тупроқ олиб келишга фармон берилди. Азроил алайҳиссалом ерга қараб хитоб қилдилар.

Сен Худойи таолонинг амрига уч марта бўйсунмадинг. Энди сендан ясалган нарса ҳам оз фурсатда осий бўлади.

Шундан кейин ернинг доду фарёдига қарамай бир чангал тупроқ олдилар. Бу тупроқ турли рангли, қаттиқ ва юмшоқ, йирик ва кичик, ширин ва ачиқ бўлаклардан иборат эди. Шу сабабли одам фарзандлари ҳам турфа ранг ва қиёфали, турфа феълли бўлди.

Ҳазрат Азроил тупроқни Аллоҳ даргоҳига келтирдилар.

— Эй, Азроил, ер сендан паноҳ тиламадими? — деган хитоб янгради.

— Ҳар қанча нола қилса ҳам сенинг фармонингни бажарай дедим. Ҳазрати Ҳақ субҳона ва таоло айтди:

— Эй, Азроил, кўнглинг қаттиқ экан, одамларнинг жонини олувчи ҳам сен бўлгил.

Алқисса, олинган тупроқни Маккаи муаззама яқинига қўйдилар. Устидан ўттиз тўққиз йил қайғу ёлғирини, бир йил севинч ёлғирини ёғдирдилар. Шу сабабли Одамга севинчдан қайғу кўпроқ бўлди. Аллоҳ таоло қудрат қўли билан ҳазрат Одам алайҳиссаломни яратишга киришди. Энг аввало тупроққа тўрт нарсани қўшди. Бири ақл, бири рух, бири кўнгли, бири нафс. Кўнглини сувдан, руҳни шамолдан, ақлни тупроқдан, нафсни оловдан олди. Одамнинг ҳар қайси аъзосини бўлак шаклда яратди ва ҳар қайсисини бўлак хизматга мутасадди қилди. Яна қирқ йилдан кейин Одам вужудига жон ато этди. Бу воқеа жума куни, оқшом пайтида рўй берди. Одам алайҳиссаломнинг бошларига тож кийдириб, юз оёқли тахтага ўтиргизди, қўлларига шоҳона узук тақди. Нафис ва гўзал кийимлар кийдирди.

Одам алайҳиссаломнинг пешоналарида балқиган нур кўзни қамаштирар

Аллоҳ таолодан хитоб келдиким: — Эй, мальун, Одамга сажда қилишдан нега ор этдинг?

— Эй, Парвардигор, мен Одамдан афзалроқман. Чунки уни тупроқдан яратдинг. Мени эса оловдан яратгансан. Қандай қилиб мен унга сажда қилай?

Яна хитоб келдиким: — Такаббур ва нодон экансан. Барча сабр-қаноат, оғир-вазминлик, мулоимлик ернинг фазилатларидир. Шунинг учун жаннатни ҳам тупроқдан бунёд этдим. Тупроқнинг оловга ҳеч эҳтиёжи йўқ. Аммо олов тупроқ устида макон тутди. Ортиқча мунозара қилмай, саждага бош қўй.

Азозил яна ҳам қайсарлик қилгани учун фаришталик мартабасидан туширилди. Шайтон суратига киритилиб, жаннатдан ер юзига қувилди. Шу тариқа у нозу незмат ва иззат-ҳурмадан маҳрум бўлди. Азозил шу кундан бошлаб қиёматгача Одам фарзандларини тўғри йўлдан тойдириш билан машғул бўламан, деб аҳд қилди.

Одам алайҳиссалом етти қават осмонни ва жаннат боғларини сайр этиб, дам олмақни ихтиёр этдилар. Туш вақти уйку зўрлик қилди. Аммо ҳали уйку билан бедорлик орасида эдиларки, ҳазрат Жаброилга Одамнинг чап қовурғасидан олиб, ўзидек яна бир шакл ясашга Аллоҳдан фармон бўлди. Жаброил алайҳиссалом фармонни бажардилар. Алқисса, шу тариқа Момо Ҳаво яратилдилар. Фаришталар Ҳавога ҳам ранго-ранг кийимлар кийдирдилар, зебу зийнат билан ясантдилар. Сўнгра ҳазрат Одам билан Ҳавонинг никоҳларини ўқидилар. Бир ривоятда беш юз йил, яна бир ривоятда уч юз йил иккалари жаннат боғларида беғам ва беташвиш яшадилар. Уларга барча незматлардан баҳраманд бўлиш руҳсат этилган, фақатгина бугдой ейиш таъқиқланган эди, дейилади.

Шайтонни ер юзига қувганларида бундан кейин жаннат зийтидан ҳеч нарса киритилмасан, деб фармон бўлган эди. Аммо Шайтоннинг кўнглида ҳазрат Одам алайҳиссаломга душманлик ҳисси сақланиб қолганди. Кечакундуз қандай қилиб Одамни гуноҳкор қилишни ўйларди. Бир куни ит қиёфасида жаннат дарвозасига келди. Уч йил дарвоза тағида кутиб ётди, иттифоқо Товус жаннатдан ташқарига чиқиб қолди.

— Э, Товус, мен тақводор бир фариштаман, кечаю кундуз тоат ибодат билан бандман. Мени ўзинг билан жаннатга олиб кирсанг, яна ҳам тўла-роқ тоат қилсам, савоби сенга ҳам тегади. Сенга ҳикматли дуолар ўрғатаман, бирини ўқисанг, асло ўлмайсан, яна бирини ўқисанг, сира жаннатдан чиқмайсан, — деди Шайтон ва қасам ичди.

Бечора Товус бу сўзга ишониб:

— Бу иш менинг қўлимдан келмайди, аммо Илон деган биродарим бор. Балки шу ёрдам берар, — деди.

Шайтон Илонни ҳам ширин сўзлар билан авради. Илон оғзини очиб турди, Шайтон унинг ичига кириб олди. Шу йўл билан жаннатга кирди. Сўнгра фаришта шаклида ҳазрат Одам ва Ҳаво алайҳиссалом ҳузурига келди. Улар ҳам танимадилар. Бир оздан кейин йиғлашга тушди. Бунинг боисини сўрадилар.

— Сизлар билан кўп вақтдан бери яқинимиз, — деди Шайтон. — Энди ажралиб қоламиз, деб кўрқаман.

— Нега ажраламиз? — сўрашди улар.

Шайтон муғамбирлик билан: — Бугдой ейишни сизга таъқиқлашган. Эҳтимол, жаннатдан қувилса керак. Чунки бугдой ейишнинг уч хосияти бор: уни еган кишининг умри

— Эй, мальун, — дедилар Шайтонга, — сенга не қилган эдимки, мени бу ҳолга солдинг?

— Сен тўфайли хор-зор бўлиб, шу ҳолга тушдинг. Энди сен ҳам мендек қийинчилик, шармандаликни бошингдан кечирасан.

Алқисса, Одам Ато ва Момо Ҳаво шу тариқа жаннатдан ерга қувилдилар Товус ва Илонни ҳам жаннатдан чиқардилар. Товуснинг турли нақшли саккиз юз қаноти бор эди.

Бу қанотлари жаҳоирлар билан безатилганди. Ҳамма қанотларини юлиб, иккита тор қанотини қолдирдилар. Илоннинг туя оёқларидек оёқлари бор эди. Бадали турли қимматбаҳо тошлар билан безатилган эди. Унинг ҳам безакларини олиб, оёқларини йўқ қилдилар. Бундан буён оёқсиз судралиб, умрбод тупроқ ейишга маҳкум этилди.

Ҳазрат Одам алайҳиссалом бир тарафга, ҳазрат Ҳаво бошқа тарафга тушдилар. Кўп қийинчиликларни бошдан кечирдилар. Гуноҳларини кечирини сўраб, Аллоҳ таолога илтижо қилдилар. Нидо келдиким: «Эй, Одам, Каъбага боргил, истаганингни ўша ердан топасан».

Ҳазрат Одам Каъба ерига борди-дир. Аллоҳ таоло жаннатдан от, туя, мол, қўй юбордилар. Ҳазрат Жаброил алайҳиссалом бугдой келтириб бердилар. Ҳазрат Одам экин-тикин қилиб, молларнинг сутини ичиб, қўйларнинг гўштини еб, кун кечириб юрдилар. Каъбада мунтазам сажда қилиб, Парвардигорни ёдлаб турдилар. Орадан уч юз йил ўтди. Аллоҳнинг амри билан Арофат тоғида Ҳаво билан учрашдилар.

Алқисса, Одам алайҳиссалом минг йил умр кечирдилар. Йигирма ўғил, ўн тўрт қиз кўрдилар. Улардан тарқалган фарзандлар ер юзини тутиб кетди.

● АҲМАД ЯССАВИЙ ●

ҲИКМАТ

*Кўнгли кўзи ёрутмайин тоат қилса,
Даргоҳига мақбул эмас, билдим маню,
Ҳақиқатда бу сўзларни пок ўраниб,
Ломаконда Ҳақдин сабақ олдим маню.*

*Бируборим сабақ берди нарда очиб,
Еру кўкда туролмади шайтон қочиб,
Ишрат қилиб, ваҳдат майдин тўё ичиб
Ломаконда Ҳақдин сабақ олдим маню.*

*Кўзларимди қонлар тўқуб ёд этмадим,
Юз минг турлук меҳнат солдинг, дод этмадим,
Сендин ҳўрқуб, хаста кўнглим шод этмадим,
Ломаконда Ҳақдин сабақ олдим маню.*

*Аллоҳ, дарди сотқун эрмас, сотиб олсанг,
Пири мўгон хизматида хок бўлмасанг,
Ҳақ йўлга кириб бўлмасанг пок бўлмасанг,
Ломаконда Ҳақдин сабақ олдим маню.*

*Ишқ подшоҳ, ошиқ фақир, дам уролмас,
Ҳақдин руҳсат бўлмагунча сўзлай олмас,
Ҳақ пандини олган дунё излай олмас,
Ломаконда Ҳақдин сабақ олдим маню.*

*Қул Ҳожа Аҳмад, етти ёшда сабақ олдим,
Секизимда дунё ўқбин талоқ қўйдим,
Тўққузимда Худойини ҳозир билдим,
Ломаконда Ҳақдин сабақ олдим маню.*

¹ Чоғир — маст қилувчи ичимлик

Маслаҳатлар

ИЧКИЛИК ВА ЧЕКИШ КАСОФАТИ

Франсияда ҳозиргача жисмоний ва руҳий жиҳатдан носоғ болаларни «якшанбада бунёд бўлган болалар» деб айтишади. Демак, якшанба дам олиш куни кўп ота-оналар ичкилик ичишади, бу маишатнинг оқибати мурғак гўдакка кулфат келтиради.

Кўпчилик олимларнинг текширишларига кўра, бирданига кўп ичганга нисбатан оз-оз ичганда организмда тўрт баробар кўп алкоголь тўпланар экан. Одатда алкоголь жигарга миядан кўра кўпроқ йиғилади, аммо мияда эзоқроқ сақланади, шунга кўра одам атма-кет ича, бош мия фаолияти бузилади. Шунинг учун ҳам никоҳ чекаси келин-куёвга ичкилик берил-

майди.

Мунтазам ичиб юриш эса ички аъзоларни аста-секин емиради, ақлни пасайтиради, жисмоний дармонсизликка олиб келади, иш қобилиятини ва иродани сусайтиради.

Алкогол — оғу, у организмни аста-секин шак-шубҳасиз ишдан чиқаради, ҳаётга бўлган орзу-ҳавасни сундиради, қанчадан-қанча истеъдодли одамларни хароб қилади, инсонлар қадри-ни поймол этади, аксари жиноятлар ва фалокатларга олиб боради.

Тозаланмаган спирт, ёки қўлбола каби турли ясама ароқлар инсон тана-си учун ниҳоятда зарарлидир. Улар одамни қаттиқ заҳарлайди, кўр қила-ди, кўпинча ўлимга олиб боради.

30-35 грамм ароқ ичилганда одам-нинг ақлий қобилияти бир неча соат-дан бир неча кунгача пасайиши исбот қилинган.

Чекиш аёлларга ҳам, эркакларга ҳам зарар қилади. Чекиш юрак-томир касалликлари, ўпка раки, меъда яра-си хавфлини кучайтиради.

Чекадиган кишиларнинг таъши-кўриниши ҳам бошқача бўлиб қолади. Тамаки таъкибидаги никотин таъсири-да қон томирлар торайиб қолади, тўқималарнинг озиқланиши ва кисло-род билан таъминланиши бузилади. Бунинг устига, тамаки тутунни тарки-бидаги ис гази билан қондаги гемо-глобин бирикмиши натижасида қонда кислород камаяди. Буларнинг ҳамма-си терининг озиқланишини қийин-лаштиради, тери дағал, носоғ бўлиб чекувчи шахсдан доимо кўланса хид келиб юради. Ашаддий кашандалар-нинг ранги кўниш заҳил бўлади.

Тамаки тутунда одам организмга рўйирост зарарли таъсир қиладиган 50 га яқин заҳарли моддалар бор.

Дераза

ИТГА АТАЛГАН МЕРОС ЖОЙ

Берлинлик Герхард Ласкенинг етти хонали уйда фақат итларга аталган оламда яққо ягона мерос жой бор. У мучалнинг ит (1986) йилида очилган эди. Шундан бери ҳар йили 50 мингдан ошиқ ҳаваскорлар ушбу маконни томоша қилишга келиб туришади. Уларнинг уч-дан бири болалардир. Кўргазмага 20 мингга яқин ит таъсири туширилган ақ-чалар, маркалар, 220 дона чинни идиш, ит болалари тўғрисида ёзилган китоб-лар, значоклар, отриткалар, мусобақа-ларда итларга бериладиган медаллар қўйилган. Томошабинлар мерос уйдан мукофот тарзида ит юнгидан тўқилган жемпер харид қилишлари мумкин.

ПИЁЗ ЯРМАРКАСИ

Шветсәриянинг Берне шаҳри аҳолиси ҳар йили ноябр ойининг сўнгги душанба куни пиёз ярмаркаси ўтказишади. Та-рихнинг гувоҳлик беришича, бу дастур XV асрда ҳам нишонланган экан. Шаҳар ҳокимияти пиёз сотувчиларга ўз маҳсу-лотларини фақат душанба куни ёки авлиё Мартиннинг хурмати учун қатта ярмарка олдидан сотишга рухсат этган. Шунга қарамадан, пиёз ярмаркаси байрами давом этиб келган. Худди ўша куни 70-110 тонна пиёз сотилган. Шаҳар мар-казидаги кўчаларнинг бири ёки майдон бўшати берилган. Кўргазмада қатнаш-ган одамлар пиёзли нон билан пиёзли таом тотишган.

МАЛИКАНИНГ КЎЙЛАГИ

Канаданинг Соскатун шаҳрида маҳсу- машварат (маскард) кийими кийиб бо-риладиган рақс кенаси бўлиб ўтди. Тах-минларга кўра кечада 250 киши қат-нашди. Қизларнинг ажойиб кийимлари учун совғалар тақдим қилинди. Бунда қимматбаҳо матолардан тикилган кийим-лар ҳеч қандай натижа бермасди. Ле-кин, кийимнинг ажойиблиги учун би-ринчи сова Монреал университетин-нинг талабаси Жудит Юзга берилди. У кечага табиий заранг баргидан ти-килган узун кўйлак билан келган, қизнинг юзи бардан тикилган рўмол-ча билан ёпилган эди. Фолибанинг бо-шига тилла суви юргизилган тож кийдирилди. Юзнинг айтишича маҳсу-с кийим учун у баргин ўрмондан терган, кўйлакни эса 2,5 соатда битирган экан. («ТРУД»)

МАТБУОТ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЕРЛАНДИ



МУСАФФО КУЛГУ, МУСАФФО ҚАЛБ, МУСАФФО БОЛАЛИК...

Оила

31 ЕШДА

Турмушга чиқмаган, бўйи 164 см бўлган, Тошкентда яшовчи меҳрибон, кўнгли-чан, яхши уй бекасми бўла оладиган, озода, пазанда, олий маълумотли, касби ўқи-тувчи ўзбек қизи 31-37 ёш-ларгача бўлган Тошкентда яшовчи тўғриси, ҳаёт му-раккаблигини тушунадиган ўзбек йигити билан таниш-моқчи ва мустақкам оила қурмоқчи «Оила-232».

40 ЕШДА

Наманган вилояти Учқўр-гон туманида яшайман. Бир ўғлим билан 8 сотихли янги ҳовлида тураимиз. Ажраш-ганман. Маълумотим ўрта-маҳсус, соғлиғим яхши, зар-рарли одадим йўқ. Ешим 20-35 ёшгача бўлган, олий ёки ўрта маълумотли, оила ишларига қизиқувчан, озода ва садо-қатли ўзбек қизи ёки бефар-занд бўлган жувон билан оила қуриб, мустақкам тинч-тинув яшаш ниятидаман. «Оила-233».

Табриклаймиз!

КЕЛИНИМИЗ РАҲИМАХОН!



Таваллуд айёмингиз қут-луғ бўлсин. Эзгу тилаклар доимо Сизга ёр бўлаверсин. Кўзингиз қароғида шодлик аломатлари ҳеч қачон йўқо-ласин.

Сизга соғлик ва узоқ умр тилаб, Зулайҳо.

Қадрли БАХТИЕР ҲАЗ-



РАТҚУЛОВ! 25-август ту-ғилган кунингиз билан таб-риклаймиз. Сизга узоқ умр, тинчлик-омонлик, яратила-жак асарларингизга оидин-лик ва муқамаллик тилаб, қадматли дўстларингиз Те-мирпўлат, Алишер.

Хўрматли қизимиз ЗОҲИ-РАҲОН ва неварамиз ШОИ-РА!

Сизларни яқин кунлар ичи-да кириб келаётган таваллуд айёмингиз билан қутлаймиз. Сизларга мустақкам соғлик, хотиржамлик ҳамда эзгу ниятлар билан бирга ҳаётда ўз йўрингизни топиб муваф-фақият қозонишингизга ти-лақдошимиз. Умрингиз узоқ бўлсин. Доимо бахт-саодатли бўлинг. ЗИЕВУТДИНОВлар оиласи. Сирдарё вилояти.

КЕЛИНИМИЗ ГАВҲАРОЙ!



Тугилган кунингиз билан табриклаймиз. Доимо соғ бў-линг деб, оилангиз номидин Собиржон, Маҳмудaxon, жи-анларингиз Отабек, Дурдона.

ШОҲСАНАМ СИНГЛИМ!

Ун иккига тўлибсан. Ўзим-

нинг бетакрор ўн икки ба-ҳорим қайтиб келганидай сунубиб ўтирибман. Тилагим: Сенга Оллоҳ таоло ато этган гайритабиий куч қувват ва кароматлар юрагингга фақат яхшилик нирларини олиб кел-син. Тўрт мучанг доимо соғ бўлсин!

Самимий саломлар ила: аканг НОРҚОБИЛ ЖАЛИЛ



Мухтарама онажонимиз РОБИЯХОН ҳамда қадрли укамиз АБДУЖАББОР-ЖОН!

Биз Сизларни 23-август та-валлуди айёмингиз билан чин дилдан самимий қутлаймиз. Келажакдаги ҳаёт ва ишлар-ингизга олам-олам омадлар ёр бўлсин. Бахтингиз тўқис умрингиз узоқ бўлсин. Юсуф ва Абдуқаҳҳор Маъруфали-евлар. Тошкент вилояти, Ян-гийўл тумани, Ниёзов жа-моа хўжалиғи.

Меҳрибон волидамиз ҲАНИФА МУСУРМОНОВА!

Оналар бир қўлида, бешик-

ни, бир қўлида дунёни теб-ратади, дейишади. Бу гап-нинг нақадар ҳаққонийли-гини биз Сизнинг тисолини-гизда кўриб келаётимиз. 60 ёшга тўлишингиз биз учун яна бир муборак кун. Ти-лагимиз яна шундай баҳор-ларни кўпни кўриб, бахти-мизга ҳамиша соғ-саломат бўлинг. Фарзандларингиз Нарзулла, Насиба, Бозорбой, Насрулло, Суннат, Чори, Ган-жи, Маҳбубалар. Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, Товоқбулоқ қишлоғи.

Қизимиз НАФИСАХОН!

Саккиз ёшинг муборак бўл-



син. Бахтимизга доимо соғ-саломат юргин. Самимий тилаклар билан, ота-онанг. Нуробод тумани, Тим ки-шлоғи.

Хўрматли ва қимматли **ГУЛНОЗА** янги! Биз Сизни тобора яқинлашиб келаётган 20 август туғилган кунингиз билан табриклаймиз. Сизга оилавий бахт, тинчлик-хотир-жамлик тилаймиз, деб Нор-буви, Бекзод, Нилуфархон-лар.

Хўрматли падали бузрук-воримиз МУСУР МОН



БОЙХОН ЎҒЛИ!

Сизни 22 августда мубо-рак 48 ёшга тўлишингиз муносабати билан самимий қутлайман. Сизга омад ёр, Оллоҳдан янада узоқ умр, эзгу тилаклар сизни тарк этмасин. Эзгу орзуларингиз ишобатини Ҳудодан тилаб, Тошкентда таълим олаётган ўғлингиз ФАРҲОД.

Меҳрибон ойижонимиз Ойимжон ая ва акамиз Ко-милжон Абдукарим ўғлини ҳамда уларнинг фарзандлари Нодира ва Қаримжонларни туғилган айёмлари билан табриклаймиз. Ойижонимиз-га Оллоҳдан янада узоқ умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Акамизнинг ҳам умрлари узоқ бўлсин. Илмий даража оа мартабалари бундан ҳам юксалиб бораверсин. Жияларимиз ҳам келажакда буюсидек узоқ умр қўринарлар, адаларидек эл-нинг ҳўрматига сазовор бў-либ юршсин, деб Гулнара, Ганшиер, Муроджон.

«Оила ва жамият» 33(104)

Даврадаги баковул қур айлаиб жар солди:

— Ҳо-о-о одамлар, эшитинглар! Темир йўлнинг остидан Менгбой полвон келган. (Ҳозир Шўрчи туманидаги 11-мактаб директори — Ж. Қ.) Ким шунга талабгор бўлса, мана майдон! Ким бо-р-р-ов-в!

Қозондай қайнаб турган катта давра жим. Темир йўл устидаги одамларнинг хаёлларида шу ўй: «Ҳамро полвон нега жим? Очилди полвонга нима бўлдики? Энди пастликлар бизга гап бермайдиган бўлдида!» Даврага узун бўйли, хилчадан келган ёшгина йигит отилиб чиқди. Ортидан икки-уч киши чопиб келиб унинг ўнгиридан тортиди:

— Бобоҳон, сен ҳали ёшсан, баччалик қилма. Узингни бос. Нима қилсан ёшлиқдан майиб бўлиб.

Ёшлиқни оловлик, шўхлик деганларича бор экан. Бобоҳон ўнгиридан тортидан қайриб ташлади: «Кўннингизлар, йиқилсам ер кўтарарди»

ОЛТИНСОЙЛИК

Даврабوشي қўл кўтарди:

— Бир ҳўкиз ва яна бир қўйи бор. Ҳалол олишиб олинглар. Омин!

...Ҳамманнинг юраги ҳаққиб турарди. Полвонлар анча айлаиб, анча туюқлашди. «Ё пиримдан» деган ингроқ, тикилиб турганларни сергалантирди. Сергалланганлар кўп ўтмай қувончдан қичқира бошлади:

— Баракалла, Бобоҳон! Яша, Бобоҳон! Ота-онангга минг раҳмат. Қувонч ва шодлиқдан ҳансираётган ёш йигитнинг ёнига югуриб Ҳайдар Номозов келди.

— Яша ўғлим! Йигитнинг зўри шўйиб юртинг орини олади. Сен ўзи қаердасан? Отинг ким, зотинг ким? — Қўрамаданман. Карл Маркс колхозидан.

Раис Бобоҳонни машинаси томон етаклади. Орқасидан Бобоназар, Норқобил, Очилди ва Тоштемирлар эргашди.

Йўлда Бобоназар шундай деди: — Бобоҳон, энди биз сен билан олиша олмаймиз. Сен катта полвон бўлиб кетдинг...

Худди шундай бўлди. Авваллари катта танаффус ва дарсдан сўнг стадионни бермай олишиб ётадиган Бобоназар ҳам, Окбой ҳам, Одина ҳам негадир Бобоҳонга энди журъат этолмай қолди. Унингчи синфда ўқиётган Бобоҳоннинг исмига эса полвон сўзи қўшиб айтадиларин бўлди.

— Доскага Бобоҳон полвон қиксин. — Бобоҳон полвонга «беш» баҳо! ...Тонг саҳарда номозга турган Бинобор момо бостирмадаги ҳўкиз ва бир қўйни кўриб ажбланди: «Ҳамсолярда бундай қўй ва ҳўкиз йўқ эди, ё кўча-пўчадан адашиб келиб қолган бўлса Бобоҳон боғлаб қўйдимикин?» Номозни ўқиб бўлгач, секин неварасини туртди.

— Бобоҳон болам, бостирмада бир қўй билан бир ҳўкиз бино бўпти. Хабаринг борми?

Бобоҳон уйқули кўзларини уқалаб, ҳузур қилиб керишди.

— Хабарим бор, момо. Кеча тўйдан олиб келдим. «Ленинград» колхозининг Ботош қишлоғида бўлган тўйдан.

— Шундай дегин-а. Айланай болам, ўзининг суянчи, тобутимнинг эгасидан айланай. Худонинг ўзи кўзусуддан асрасин. Энди болам бундай юрма. Мулла Иброҳимга тумор қилдириб берман. Қўлтиққинанга тақиб юргин...

Туриб-туриб момонинг хўрлиги келди.

— Шу қувончларни отанг бир кўрмади-да. Қувончдан ёрилди. У урушга кетганида сен олти ойликкина эдинг. Худодимдан айланай. Шунинг ҳам минг шукр. Полвонлик сенинг қонингда бор. Менинг отам — сенинг бобонг Саид полвонни бу обривда ҳеч ким йиқитолмаган. Дунёда нима

ёмон, полвонликнинг ори ёмон. Утдан бўлдим, сувдан бўлдим ёки кўзи сукдан бўлдим хайбатидан отлар ҳўрақадиган отам Саид полвон ўттиз икки ёшида бирданнига кўрпа-тўшак қилиб қолди. Қуни шунчалар калтамикан ҳафта ётмади. Эҳ, бу юрак дардга, қону зардобга тўла, болам...

Одам ўлганига эмас, ўлганинг ортидаги гап-сўзларга, бетайин ғийбатларга куяркан. Шулар одамни кул қиларкан. Отамнинг ўлганига ҳали уч ой ҳам бўлгани йўқ. Кўк кийиб ўтирибми. Бобомки Карим полвон дегич эди. Шу киши Хўжасотдаги бир тўйдан ҳам йўқаб, ҳам қувониб келди. Йиғлагани шу вақдан бўлди. Даврадаги Баковул. Эшмат полвонни қўрага тортиб овоз берибди:

— Қўрқмай чиқавер, Саид полвонни ер қовиб ётибди. Қани ҳалойиқ Эшмат полвонга ким дов беради? Даввогар бўлса ўртага қиксин. Яна айтиб қўяй Саид полвонни ер қовиб ётибди!

Қур четида ўтирган бобом аламдан товуш чиқариб йиғлайверган. Уқириб-ўқириб йиғлайверган. «Улмайлар кетгин болам-а, дўсти-душманга гап-сўз қилдинг, шармсор қилдинг болам-а», деб йиғлайверган. Шунда отасидан тўрт-беш одам нари ўтирган Маматмурод югуриб келиб падари бузрукворининг титраётган елкасидан тутган:

— Йиғламанг, кўз ёши қилманг ота. Акам ўлган бўлса мана мен борман. Маматмурод кўзда ёш билан даврага отилиб чиққан. То олишиб бўлгунча кўзидан ёш тўхтамаган. Йиғлаб олишган. Йиғлаб туриб Эшмат полвонни йиқитган. Шунда раҳматли отам ўрнидан туриб овозининг борича қичқирган:

— Норим ўлган бўлса ҳам норчам бор экан. Оллоҳга шукр. Яратганга шукр.

Уша пайта Маматмуроджон бор йўғи ўн етти ёшда эди...

ХОЛМИРЗА АКАНИНГ ҲИКОЯСИ

Олтишинчи йилларда Самарқанд дорилфунунда ўқитувчи бўлиб ишладим. Сурхондарёдан, айниқса Шўрчидадан борган талабалар менинг атрофимга уюшганди. Шулардан бири Бобоҳон полвон эди. У полвон бўлсада кеккаймасди. Ҳалол ва камтар эди. Ҳамма фанлардан аъло ўқирди. Математика факултетини қизил диплом билан тугатди.

Бир қуни шаҳар четидаги катта амалдорнинг тўйи бўлди. Яқин атрофдан полвонлар тўпланган. Шу тўйда Бобоҳон «мана мен» деган полвонларнинг тўрттасини йиқитди. Қувончимиз шундай чексизки, бунга таърифлаш учун одам ўрғи шoir бўлиши керак. Бу қувонч эстига десангиз бир маҳал давра баковули ўртага чиқиб эълон қилди:

— Бобоҳон полвонга юраги урган борми? Агар бўлса ўртага чиқиб бир кўриниш берсин!

Баковул сўзини тугатар-туғатмас дорифунуннинг жисмоний тарбия факултетига ишлайдиган СССР спорт мастери бўлган бир ўқитувчи Бобоҳон полвоннинг олдига келди. Мен зимдан кузатиб турибман. У қуйиб-пишиб аврарди:

— Ука, энди бир одамгарчилик қил. Йўқ дема. Шу университетда ишлаб турсам нарим тегиб қолди. Гап совринда эмас, номда, обрўда, майли, совриннинг ҳаммаси сеңчи. Бир қўлаб юбор. Сенга бир тойриниб кетши шунчалар қийинми?

Мен очиги Бобоҳонни синаб ўтирибман. Қани нима дер экан? Бир маҳал у спорт мастерига шундай деди:

— Домла олишда отангни аяма дейишади. Ҳайла Алнинг майдони. Балки сиз мени йиқитарсиз. Қўчингиз кўлдир. Лекин сиздан атайин йиқилмайман. Икки дунё бир келса ҳам. Алқисса, ҳеч ким даврага дов бериб

чиқолмади. Соврин Бобоҳонники бўлди. Ҳалиги домла эса кейин унга кўп бор панд беришга ҳаракат қилди. Аммо иложини топмади.

КУТИЛМАГАН ҚУВОНЧ

Аёли полвонни секин туртди.

— Абсатторнинг отаси, туринг. Кўчада бир оқ машина эртадан бери сигнал берапти.

Полвон кўзларини уқалаб ўрнидан туриб ювиниш учун ҳовли четидаги ариқ томон юрди. Шу аснода кўзи кўчада турган машинага тушди. «Газ-24» танишдай туюлди. Эътибор бериб қаради. «Ҳокимникига ўхшайдику. Эрталабдан менда қандай иши бор экан?» Апил-тапил ювиниш бўлгач, кўча томон шошди. Кўзи алдамаган экан. Полвонни кўрган Тошпўлат ака Абдураҳмонов машинадан тушиб у томон кела бошлади.

— Полвон ёмон уйқучи экансиз-да,— ҳазиллашиб кўришди ҳоким.

— Кеча қишлоқда бир тадбир бор эди. Шундан кеч қайтибман. Бироздан сўнг Тошпўлат ака муддога кўчди.

— Гап бундай полвон. Хабарингиз бўлса керак, яқинда Термизда Ал Ҳоким ат-Термизий хотираси учун халқаро миллий кураш ўтказилади. Бир барорингизни синаб кўрсангиз. Эртага Жарқўргонда саралаш мусобақалари бошланади.

Эътибордан кўнгли кўтарилган бўлса-да, полвон анчадан бери ўйлаб, ўзига тиним бермай келаётган фикрни рўйи-рост айтди.

— Тошпўлат ака, энди бизники ўтди. Ишончингиз учун катта раҳмат. Мана, ёш ҳам эликдан ошиб кетди. Даврадан чиқиб кетганимга етти-саккиз йил бўлбди. Энди кураш ёшларники. Қариганда тағин кулги бўлиб юрмайлик.

— Ким бўлса ҳам бир зўр чиқади. Дунёда зўрлар кўп.

Сўхбат анчага чўзилди. Меҳмон кетар чоғида кўнгиладан табриклагани кирмагани маълум бўлди.

— Шу десангиз полвон, бир фақир одамман. Эсимни танганимдан бери техниканинг нонини ейман. Оқшом ҳокимимиз келган экан. Шу курашда чемпион бўлсангиз бир янги трактор сизники деди. Бу эса сизга боғлиқ...

Бобоҳон полвон тушунмай сўради. — Нимага менга боғлиқ бўлади? — Эртага ҳокимимиз кураш тушамиз. Жуда абжир, чапдаст, кейин роса тез экансиз. Қўрқаяпманки мен ҳам бир-икки минутга бормай...

— Қўрқманг полвон. Худодан мадад сўранг, Сиз ҳам чакки эмассиз. Ангорлик полвон аниқ мақсадга кўчди.

— Шу курашда менга чиқмасангиз бўлмайдики! Бир умр унутмасангиз. Қуруқ ҳам қиймайман.

— Йўқ. Бу полвонларнинг гапи эмас. Уят бўлади. Бу гапни бир айтдингиз, қайта айтманг.

Жўра Пирнаевнинг юрак ҳовучлаганича бор экан. Эртаси куни бўлган курашда у Бобоҳоннинг бир ҳамласига ҳам дош беролмади...

СУҲБАТ

Сўхбатимиз ток остидаги каравот устида давом этди. Мен анчадан бери ўйлаб юрган саволларимни бера бошладим.

— Устозингиз ким?

— Мен Эшбой полвон Ражабовни ўзимга устоз деб биламан. У киши ўзинингизни курамалик. Ҳозир олтимишдан ошиб қолган. Авжи келиб кетса ҳали ҳам олишади.

— Ҳеч йиқилганмисиз?

— Ҳа, йиқилганман. Олтишинчи йиллардан то саксон бешинчи йилгача уч кишидан йиқилдим. Шўрчилик Эшмат полвондан, хўжасотлик Менгбойдан, ботўшлик Абдуракул полвонни бир йиқитиб, бир йиқилганман. Лекин Эшмат полвон мени ҳалол йиқита олмаган. Шўрчидаги бир тўйда фирромлик қилди. Баковул ҳам уникини маъқул деди. Нима бўл-

АЛПОМИШ

— Ундай деманг полвон, барибир кесаларнинг ҳовури бўлак бўлади. Худод олқулим деса ажабмас чемпион-пемпион бўлиб кетсангиз. Умидсизланманг. Белни маҳкам боғланг. Эртага эрталаб машина юбораман.

— Қандай бўларкан?

— Зўр бўлади. Ҳали мени айтди дерсиз.

Ҳоким кетди. Полвоннинг тинчи бузилди. Кўнгли минг хил жойларга кириб чиқди.

Барча ўй-ташвишларга Жарқўргондаги саралаш мусобақаси яқун ясади. Юз килодан ортиқ вазндаги жарқўргондан Тўра Эргашевнинг (Рустам Эргашевнинг отаси — Ж. Қ.), хўжасотлик Менгбой полвон ва деновлик Жаббор полвонларнинг елкасини ерга тегиш 3-5 апрел кунлари Термизда бўладиган халқаро курашга йўлланма олди.

Довруқли полвонларни йиқитгач, ўзига ишонч орди — ҳали вужудини полвонлик куч-қуввати тарқ этмаганига амин бўлди. Бўлажак катта курашда голиб бўлиш истаги юзага келди.

Полвон кечки оқатдан кейин энди чўзилган эди, эшик охишта тақиллади. Очди-ю ангорлик полвон Жўра Пирнаевни кўрди.

— Табриклагани кирдим. Оллоҳнинг ўзи мадад берапти. Қашқадарёлик полвонни бир зарб билан «уриб» ташладингиз. Одамларни кўрдингизми? Ўрнидан туриб шундай олқишладикки сизни... Наманганлик полвонни ҳам бир минутга бормай даврадан чиқариб юбордингиз.

— Раҳмат. Катта раҳмат.

— Шу бир миллион сўм кимга насиб этар экан-а. Узи катта пулда.

са ҳам майдон шуларники эди-да. Лекин қурдан бошимни ҳам қилиб чиқиб кетмадим. Чунки ундан йиқилмаслигини билардим-да. Шундан сўнг уни излаб кўп тўйларга бордим. У эса менинг тўйда борлигимни билгач, сирғалиб чиқиб кетиб қоларди. Шўйитиб-шўйитиб қурдан ҳам чиқиб кетди.

— Йиқилганингизда ўзингизни қандай тутасиз?

— Зўрингиз зўрлигига қойил қолмаган номард. Йиқилдимми, жиззакилик қилмайман. Мен йиқилганим йўқ, мени ҳалол йиқита олмади дея бақириб ҳам ётмайман. Бу полвонлик шаънига иснод.

— Болалар нечта?

— Саккизта. Уч ўғил, беш қиз. Катта ўғлимиз Абдусаттор Самарқанд қишлоқ хўжалик олийгоҳида ўқийди. Унча-мунча олишиб туради. Лекин ҳали мўрт.

— Яна шундай халқаро курашларга таклиф этса боварасизми?

— Ҳа, сўзсиз. Шу десангиз, Термиздаги халқаро олишув мени яна катта курашларга тортапти. Танамга бўлака бир куч-қудрат ато этиб бамисоли ёш йигитдай бўлаётirman.

Сўхбат охиради. Даврада ўтирган мулланамо бир киши қўл кўтариб юзига фотиҳа тортаркан деди:

— Сизга Оллоҳнинг ўзи мададкор бўлсин. Униб-ўсган юртингизда доимо шону шавкат ва обрў олиб юринг. Мартабангиз баланд бўлсин! Омин!

ОНАМДАН ҚОЛГАН РЎМОЛ

Эрта тонг. Уйғониб кетдим. Онам тушимга кирибди. Айтар эмиши: «Болам рўмолимни сиқиб ўрасам, бошимдаги оғриқ тарқагандай бўлади, охирги вақтларда бошим оғрийдиган бўлиб қолди». Эҳ, нега бундай туш кўрдим экан-а, онамнинг руҳи менадан умидвор бўлдимикин? Эҳуд ётишда онамни ўйлаганим учун шундай туш кўрдиммикин? Ўрнимдан туриб ташқарига чикдим. Тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олдим, муздек сувда юз-қўлимни ювдим. Чой кўйиб, ҳовлига сув сепадим. Кейин каравотга ўтириб, онамнинг руҳига Қуръон тиловат қилдим. Хаёлим сесканиб кетди. Онам билан бирга яқиндагина шу каравотда суҳбатлашиб ўтирган эдик. Ушанда онам қайнотамнинг таъзиясига келган эдилар. Ким ўйлабди, дейсиз? Қайнотамнинг «қирқзи ўтар-ўтмай, онам ҳам оламдан ўтишини? Ушанда онам қайнотам ҳақида гапирганди. Қайнотанг яхши одам эди, Худо раҳмат қилсин деб учтўрт маротаба қайтарган эдилар. Мана бугун ўзи ҳам ёруғ оламда йўқ. Кетганига ҳам олти ой бўлибди. Инсон умри оқар дарё деганлари рост. Кунлар баъзан шундай тез ўтадики, эртадан кечгача ҳам ҳеч нарса қилиб улгуролмайсан. Бугун ҳам бир куним шундай кечди. Кун бўйи хаёлимдан онам кетмади. Кечкурун ювилган кирларни дазмол қилиб тахлаётганимда, бехос онамнинг рўмолларига кўзим тушиб қолди. Юрагим орзиқиб кетди. Онамни кўргандай бўлдим. Онам вафоти олтидан шу рўмолни менга қолдирган эди, бағримга босиб, ўпдим. Рўмолдан онамнинг ҳиди келарди. Кўзимга милт-милт ёш-келди. Рўмолнинг бир

четига илашиб турган бир тола оқ сочга кўзим тушди. Хўнграб юбордим. Бехосдан соч толаси қўлимдан тушиб кетганди телба бўлаёздим. Излаб кетдим. Тополмайманми, деган кўрқинч вужудимни титратиб юборди. Худога шукур, топдим. Авайлаб қозғога ўрадим, болаларимнинг қўли етмайдиган жойга, онамнинг ўзи берган чинни чойнакка солиб қўйдим. Рўмолни олиб ташқарига отилдим. Яна ўша онам билан сўнги суҳбатимиз кечган каравотга ўтирдим. Ҳали тўла оқармаган тонг шунчалар гўзал эдики, юлдузлар тирриқдай потраб турибди. Бироқ улар ичида битта юлдуз йўқ, у сўнган. Ой чиққан... Яни ой. Жуда гўзал, қараб тўймайсан киши. Ойга узоқ вақт тикилиб турдим. Хаёлимда эса онам, қўлимда рўмол, бағримга босиб ўтирибман. Ой ҳам худди мен билан бирга онамни ўйлаётгандек туюлиб кетди. Энди онамдан қолган рўмол, менга ўқинч, армон бўлиб қолди. Чунки мен онамга фарзанд бўлиб ҳеч нарса қилолмадим, фақат ғам орттирдим холос. Ёғим рўмолни катта қилиб ёзиб ундаги гулларга тикилдим. Чиройли, нафис гуллар, худди тирик гуллардай. Упкамни босолмадим, кўзим ёшланди, томоғимга нимадир тикилгандай бўлди. Кўз ўнгим қоронғилашиб кетди. Рўмол қўлимни куйдираётгандай, бағримга бос-

сам, кўксим ёнаётгандай. Шу топда, фақатгина қўлларим, бағрим эмас бутун вужудим куйиб кул бўлса ҳам рози эдим. Онани йўқотиш жуда мушкул экан. Фалончининг онаси оламдан ўтибди, дейишса, ачинардим, Худо раҳмат қилсин, деб қўлларимни юзимга тортар эдим. Ушаларга ҳам жудолик мана шунақа қийин бўлган эканда: Буни мана энди, бошимга тушганда ҳис қиялганман. Қанийди иложи бўлсаю, оналар ўлмаса. Афсус иложийўқ бунинг. Онам жуда куюнчак аёл эдилар, ҳеч бир нарсага беварқ қарай олмадилар. Ана шу рўмолларини ҳам аяб ўрардилар, шу рўмолимни яхши кўраман дердилар. Уша машъум оламдан ўтган кунлари бошларидан шу рўмол эди.

Жойимга ётдим. Қани энди уйқу келса. Онамнинг рўмолларини юзларимга босиб ётибман, хаёлим ҳали ҳам онамни ўйлаш билан банд. Онамдан қолган рўмолни юзларимга босганча тонга яқин ухлаб қолибман. Тонгда ўрнимдан турдим, бағримда мен кучоқлаб ухлаб қолганим,— онамнинг рўмоли полга тушди, уни олиб кўзларимга, юзларимга суртдим авайлаб тахладим. Жойига қўйдим. Бугун ҳам онам хаёлимдан кетмаяпти, мана кўз ўнгимда жилмайиб турибдилар...

Гулнора НУРМУҲАМЕДОВА



ЭЙНШТЕЙН ҲАМ НИСБАТАН ЯХШИ ОДАМ

Дунёда ҳамма нарса нисбий. Бу ҳақиқатни яқинда айнан нисбийлик назарияси асосчисининг шахсий ҳаёти мисолида икки инглиз ёзувчиси — Пол Картер ва Рожер Хайфилд исботлади.

Улар «Алберт Эйнштейннинг шахсий ҳаёти» китобига Эйнштейн ўғилларидан бирининг хотираларини асос қилиб олган. Оврупо китоб дўконлари пештахтасида шу йилнинг кузида пайдо бўлган китоб дарҳол Олмон матбуотида босила бошлади. Ушбу китоб сал олдинроқ ҳам ёзилиши мумкин эди, чунки физикнинг ўғли ўз хотираларини эллигинчи йилларнинг охиридаёқ эълон қилганди. Бироқ «сурбетона очикўнгиллик» билан ёзилган бу хотира Эйнштейнлар сулоласининг бирдамлигига ҳалақит берганилиги учун улар «ношукур ворис»ни судга берилган.

Умуман олганда, Англияда босилаётган китоблар муҳлислар тасаввурини ўзгартирмакда, яъни машхур кишиларнинг биз ўйлагандан бошқачароқ сиратларини ҳам рўй-рост ва очикўнгиллик тасвирламоқда. Муаллифлар, худди шу қаби Эйнштейн ҳаёти ҳақидаги ушбу китобда ҳам уни худбин ва бешафқат зўравон кишига чиқаришган. Унда ёзилиши-

ча, физикнинг ўғилларидан бири — Эдвард отасининг қаттиққўллиги сабаб руҳий-асаб касалликлари шифохонасида узоқ, натижасиз даволаниб ётган. Ва ўлган.

Ота бир мартаям ўз пуштикамарлари ҳаёти билан қизиқиб кўрмаган, уларни бирор марта эркатлатмаган. Ҳатто Эдварднинг ўлими — бевақт жудоликдан сўнг ҳам куруққина қилиб: «Мен тиббиёт текширишлари ҳақида ҳеч нарса эшитишни хоҳламайман. Фақатгина ёрилган танага ишонаман»,— дея эътироз билдириб қўя қолади.

Маълум бўлишича, Алберт Эйнштейннинг биринчи никоҳидан иккита боласи бўлган. Даҳонинг хотини М. Марич 1902 йилда қиз туғади ва унга Лиза деб исм қўяди. Бемехр ота ўз қизалоғига қараб ҳам кўймаган.

Эйнштейннинг хотини ҳам физик бўлиб, жуда итоаткор, эрининг лабораториядаги илмий тажрибаларида бетаъма ёрдамчиси эди.

Эйнштейн болаларини севмас, оиласи учун ўлиб тирилмасди. Нима бўладию, ажойиб кунларнинг бирида Марич эрининг жазмани ёзган ишқий мактубни топиб олади. Шу сабаб тез орада улар бутунлай ажрашади. Олим иккинчи марта эски жазмани Элиза Лёвенталга ўйланади.

Элиза икки қизи билан қолган бева аёл эди. Эйнштейн (Элизага) фақат қулайликка эга бўлиш учунгина уйланганини қалбидан ҳеч қандай севги, эҳтирос йўқлигини очикўнгиллик билан таъкидлаганди. 1933 йилда эса иккинчи хотини билан Олмониядан Амриқога ўтади.

Тез орада Элиза Эйнштейн ҳақида алам билан шундай ёзганди: «У қанча машхур бўлгани сари атрофида ўралашувчи хонимлар ҳам шунча кўпая борди. У эса аёлларга фақат бир нарса — нисбийлик назариясини тушунтириши узининг олий максдади деб билишдан нарига ўтмади».

Биз олимнинг икки инглиз ёзувчилари китобида тасвирланган шахвоний ҳаётининг ҳамма тафсилотларини ёзмадик, баъзи жиҳатларигагина тўхталдик бор-йўғи. Бироқ бу ҳали аста-секин очилиб боравершиши табиий. Шундагина биз Эйнштейннинг ҳақиқий қиёфасини кўра оламиз. Юқоридагиларни эса олимнинг Калифорнияда яшовчи 73 ёшли набираси, физик Эвелин Эйнштейн ҳам тасдиқлайди.

«КОМСОМОЛКА»нинг
1993 йил 142-сонидан
А. ШОЙИМОВ ўғирди

«ЧИДАГАНГА ЧИҚАРГАН»МИ?

Шу пайтгача чет элдаги автотубус ёки учарларга чилтанинг навбатсиз сотилиши ҳақида кўп эшитардик. Ҳозир биздаям шундай. Йўловчилар камайди, борлариям фақат поездларда юради. Зарур ишлари чиққан кишиларгина автотубус ёки учарларда қатнайдилар.

Зарурат тўғайли мен ҳам Ургутга борадиган бўлиб қолдим. (5-август, 1993 йил). Эрталаб унинг кетар вақти (8¹⁵)дан аввалроқ «Тошкент» автовокзалига етиб бордим. Дарҳақиқат қатор кассаларнинг олдида фарб киноларни дагидек одамлар йўқ эди ҳисоб. Қисқаси, шу кун Ургутга борадиган автотубус манзилига жўнамади. Ҳайдовчининг айтишича, «5-б тағина йўловчи учун автотубус Ургутга бормади...»

Автотубуснинг хонаси кулф. Чилта сотувчилар эса бошқа автотубусга чилта олиб Самарқандгача бериб олишимизни «маслаҳат» беришди. Начора, кўндик. Автотубус саломида йўловчилар анчагина баҳслашди. Ҳайдовчилардан бири нолиётган одамларга қараб

«ғарбда шундай экан, буёғини энди чидаганга чиқарган» деди кескин оҳангда.

Бир пайт назоратчилар келиб чилталарни текшира бошлашди. Автотубуснинг орқа ўриндиғида баҳсга аралашмай ўтирган ўрта ёшдаги бир кишини чилта олиб келиш учун тушириб юборишди. Афтидан у чилтасиз бўлса-да, ҳайдовчини «рози» қилиш ниятида эди, чоғи. Патта нархи эса ошган. Начора, ҳайдовчи айтмоқчи, «чидаганга чиқарган».

Лекин шу кун олти йўловчи Ургутга боргунча анча овора бўлди. Кечикдик. Кечикдик, жисимиз, асабимиз чарчади.

Хорижда бир йўловчи бўлса ҳам белгиланган муддатда манзили томон юрар экан. Бу маълум маънода тартибнинг ҳамда маданиятнинг белгиси. Шунинг учун «чидаганга чиқарган» деган гап фақатгина йўловчига эмас, балки уларни манзилига элтиш учун хизмат қиладиган мутасадди идораларга ҳам тааллуқли бўлиши керак.

Н. НАМОЗОВА

Фикр



«Камолот — 89» танловининг мутлақ ғолиби, ёшларнинг ардоқли кўшиқчиси Муҳаммадкарим СОИИПОВ 1963 йилда Уш шаҳрида туғилган. Отаси Турсунбой ака 65 ёшда, кўшиқ шайдоси, ҳаммаша ашула хиргойи қилиб юриб, кўшиқчиларга ҳавас қилгани учунми ўғли Муҳаммадкарим ҳофиз бўлди. Ойиси Олтиной ая — 64 ёшда, хушфелъ, меҳмондўст, бағри дарё аёл. Ҳофизнинг умр йўлдоши Маҳмудахон — умумий овқатланиш корхонасида ҳисобчи, ўғиллари Анваржон — 4 ёшдан ошди, Акбаржон — 3 ёшда.

Муҳаммадкарим СОИИПОВ — Бобур номили Уш вилоят музикали театрида яккахон хонанда бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳофизни осонликча топиб бўлмади. Уйига ҳар гал сим қоққанимда гоҳ Жалолободга, гоҳ Ангренага, гоҳ Лайлак туманига кетган бўлади. Ва ниҳоят уни ўз уйида учратдим. Анча у ёқ бу ёқдан гаплашдик. Уша суҳбатдан айримлари сизга ҳавола.

— Кўпчилик ҳофизларнинг қанча сўмга тўйга боришлари билан қизиқадилар. Охун палон тўйга, палон пулга, Ғиёс анов тўйга, бунча пулга келибди, дейишади. Сиз қанчага борасиз!

— Дастурхон устида ўтирибмиз, ёлгон бўлмасин, мени ким тўйга айтиб келса палон сўм берасан, деманганман. Шунга айтиш керакки, мени тўйга олиб бормоқчи бўлган кишилар вақтиндан ҳисобга олишади. Вақтинга қараб тўй кунини бир ҳафта олдинга ёки орқага, ҳатто бир ойга ўзгартирганлар ҳам бўлган. Хизматни бажариб, берганларини олиб кетавераман.

— Ваъда қилган тўйга боролмай қолган ҳолларингиз ҳам бўлганми!

— Бўлган. Утган йили иккита шунақа ҳодиса бўлди. Бирини сиз томондан — Езёвондан, Муроджон исмли кишининг тўйига бора олмадим. Одатда тўйга бир-икки ой аввал айтишади. Муроджоннинг тўйи кунни дадам оғир оператсиядан чиқди. Оператсиядан реаниматсия хонасига олиб кириб кетишди. Тўй юрагимга сиғмади, ҳамкасб укаларимни юбордим. Сўнг бориб Муроджондан ўзим узр сўраб келдим. Ахир ҳаммамиз тирик жонмиз, бунақа воқеалар бўлиб туради. Баъзан энг яқин оғайниларим кимлар-

гадир ваъда бериб қўйиши мумкин, «Муҳаммадкаримни, албатта, тўйингга олиб бораман», деб. Учакишгандай ваъдани беради-ю, мени учрата олмайди. Сафарларда кўп бўламан, ҳалиги оғайним ваъда берган тўй эгаси эса қишлоғида «Тўйга Муҳаммадкарим келади» деб эълон қилиб юборади. Мен беҳабар. Шунақа воқеалар ҳам бўлган.

«МЕН ҲАММАДАН»

— «Камолот — 89» танловда сиз мутлақ ғолиб бўлгансиз. Айтишларича, сизни бошқа республикадан келгансиз, деб танловга қатнашишга норозилик қилишган, деган гаплар ҳам эшитувдик. Ростми!

— Энг аввало, Ўзбекистонга, ўзбекларга ҳаммаша таъзимдаман. Ўзбекистон бағри кенг юрт. Бирорта ўзбек Арманистонда ёки бошқа республикада яшаб, СССР Халқ артисти бўлгани йўқ. Ўзбекистонда яшаб юрган кўплаб бошқа миллат вакиллари «СССР Халқ артисти», «Ўзбекистон халқ артисти» бўлишгани факт.

1989 йилдаги танловдан уч кун бурун оилам билан Тошкентдан келётгандим, довондан ўтишда чарчаб йўл бўйидаги бир хонадонга тушдик. Уйда бир болакай магнитофон қўйиб, «Мухриддини эшитаётган» экан, Мухриддин ўша танловда қатнашяпти, деб эшитган эдим. Хотинимга «Сиз менинг кўшиқ айтишимга домн норози юрасиз, агар сиз қаршилик қилмасангиз, мен шу танловда қатнашиб, ўзимни бир кўрсатардим, ахир мен ҳаммадан зўр айтаман» деб ҳазиллашдим.

Агар зўр бўлсангиз, ўзингизни кўрсатинг, деди хотиним ҳам. Тошкентга келсам, конкурсга 3 кун қолибди. Ҳамма қатнашувчилар ариза бериб бўлибди. «Аризаларни олиб бўлдик, энди олмаимиз, қолаверса, сиз бошқа республикадан экансиз»,— дейишди.

— «Мен Қирғизистондаги танловда қатнаша олмасам, ахир кўрғизча ашула айта олмаيمان, Ўзбекистонда кўймасаларинг, бошимни қайга урай. Конкурс Ўзбекистонда бўляпти, лекин бу танловга Тожикистон, Қозоғистон, Туркменистонда яшайдиган ўзбеклар ҳам қатнашиши керак», дедим. Охири аризамни олишди. Шартқилик ҳам баъзан қўл келаркан.

— Танловда, янглишмасам, «Вой аламжон» кўшигини айтгандингиз. Бу кўшиқни Ғиёс ҳам, Мухриддин ҳам, Охунжон ҳам танловгача радиода айтишувди, шекилли. Нега улар мутлақ ғолиб бўлмай, сиз ғолиб бўлгансиз!

— «Вой аламжон» ўшлик шоир Фанижон Холматов — Муғаний шёъри. Бу кўшиқни биринчи бўлиб мен айтганимни мухлислар кўпи билмасе керак. Томошабинлар бу кўшиқни сиз айтмоқчи, Ғиёсжон, Охунжон ёки Мухриддиндан кутган экан, мен айтиб юбордим. Мақтаниш эмасу, танлов ҳайъати, қолаверса, томошабинлар зўр кўшиқни муносиб баҳолай олишди.

— Радио, телевизорда нега кам кўринасиз!

— Гапнинг рости, машҳур бўлиб кетишдан қўрқаман. Ҳозирги мени севиб тинглаётган одамлардан акрალიб қолишдан қўрқаман. Инсон қанчалик

юқорилаб, обрўси баланд бўлиб боргани сари, ўз яқинларидан, яқин дўст-ўртоқларидан, маҳалла-кўйдан узоқлашаверади. Мен эса бундай қила олмайман.

— Қачондан бошлаб кўшиқ айтасиз!

— Аниқ ёдимда йўқ. 5-синфда ўқиётганимда одамлар тўйга олиб кетишарди. Ҳали мактабга бормай

«Юлдуз»лар меҳмонхонаси

— Сизни ёшлар севиб тинглайди. Ешларга нималар деган бўлардингиз!

— Кимки ўзгани ҳурмат қилса, ўзини ҳурматлаган бўлади. Ешлар, энг аввало, онасини ҳурмат қилсин, сўнг отасини ҳурмат қилсин. Шундай қилсалар, қолгани ўз-ўзидан бўлаверади.

— Муҳаммадкарим, сиз бошқа республикада яшайсиз. Узоқда яшаётган одамларга бошқа республика ҳаёти, келажаги аниқ кўринади. Ўзбекистон келажагига қандай қарайсиз!

— Биз турғунлик йиллари фарзандларимиз. Кимдир ўша пайтдаги мўл-кўлчилики соғинаётгандир. Лекин, тўғриси, ўша пайтларда жаҳолатга

ЗўР АЙТАМАН»

ларни биринчи бўлиб, жойи жаннатда бўлсин, Муроджон Аҳмедовнинг «Уртар»ини айтганман. Фахриддин ака, Таваккал ака, Ортиқ Отажонову Олмадон опаларингиз ҳаммасини яхши кўриб тинглардим, бир-биридан ажратмасдим.

— Энг биринчи кўшигингиз қайси!

— Биринчи кўшигим Ҳалима Худойбердиевнинг «Уйингдан таралар ёр-ёр овози».

— Яна қайси шоирларнинг шёърларини кўшиқ қилгансиз!

— Турсунои Содикованинг ўндан ортиқ шёърини, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов шёърларини.

— «Мен сизга ачинмайман, хиёнаткор гўзаллар» деган кўшигингизнинг муаллифи ким! Ўзбек шоирлари ичиде бунақа сатр ёзган одамни эслай олмаёяман.

— Тўғри англабсиз. У Пушкиндан. Пушкин, Есенин шёърларини ҳам кўшиқ қилганман.

— Муҳаммадкарим, юзингиздан аллақандай сеҳрли нур ёғилиб туради. Бундай истарани, нури дин кишиларда кўрардим. Сиз...

— Ешлигимда, кўшиқ айтмасдан аввал Қуръон ўқирдим. Қуръонни чиройли ўқирдим. Онам мени қори болам, дерди. Ҳозир бешвақт намоз ўқийман. Қўлдан келганча рўзалар тутдик. Яна Қуръонга қайтдим. Аллоҳ насиб этса, онам-отамни Қуръон айтиб тирикчилигига шод этай, деб уриняпман.

Маънисиз ашулаларни хуш кўрмайман. Ниятларим кўп. Одамларни ахшиликка, эзгуликка етаклайдиган ашулалар устиде ишлаяпман.

— «Вой аламжон»ни айтганингиз учунми, кўпчилик сизни севганига етиша олмаган экан, дейишади.

— Йўқ, мен севганимга уялганман. Маҳмудахон билан севишиб, синашиб турмуш қурганмиз.

— Боя турмуш ўртоғим кўшиқ айтишимдан норози, дедингиз!

— Яширишининг ҳожати йўқ, кўшиқчи, кўпинча, ўз оиласидан узоқда, сафарларда кўп бўлади. Хотиним, мени ўшалар назаридан қизгансе керак-да!

ботган эдик. Ҳозир қийин бўляпти, лекин эртамиз порлоқ бўлади. Бунга ишонаман. Ўзбекистонга ҳавасим келади. Сизларда тинч-омонлик, сизларда кўп нарса бизникидан арзон, ўзбек эли, ўзбеклар бағри кенг, уларнинг эртаси завол кўрмайди.

Малик БОЙ МУҲАММАД



Бош муҳаррир:

Абдуҳошим ИРИСБОЙ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Қулман ОЧИЛ, Жуманазар БЕКНАЗАР, Дадахон ЕҚУБОВ, Фарҳод РҶЗИЕВ, Муҳаббат ИБОДОВА, Юсуф ЗИЕД (бош муҳаррир ўринбосари), Ботир ЭРНАЗАР (масъул котиб)

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:

Бахтиёр ЭГАМБЕРДИЕВ, Рўзимат САФОВЕВ, Абсалом УСАНОВ, Урол УЗБЕК, Асқар АЛЛАБЕРДИЕВ, Абдумуталиб РИЗОҚУЛОВ, Мейли ЙУЛДОШЕВ.

Газетамиз ҳомийлари — Тошкентдаги СЭВИЖ тижорат жамияти, Муборак туманидаги «Хитоё» давлат хўжалиги, Шаҳрисабз пиллакашлик фабрикаси, Сирдарё «Жо олтин» дом маҳсулотлари корхонаси,

Таҳририят келган хатларга ёзма-жавоб қайтармайди. Шунингдек, фуқаролар билан ташиқлотлар ўртасида воситачилик ҳам қилмайди. Газетамиздан олинган маълумотлар «Оила ва жамият» ҳам кўрсатилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ:

700029, Мустақиллик майдони, 1-бино. Телефон: 39-43-95.

Ҳалим САИИД навбатчилик қилди

Обуна индекси 64654. Рўйхатга олиш № 33. Буюртма № Г-505. 23.389 нусхада чоп этилди. Офсет усулида босилди. Формати А-3, ҳажми, 2 босма табоқ.